



Кун хикмати:
Касбини пухта
билмаган одам
нуқтасиз назарда
ҳам ўртамийена
бўлади.

Ziyo chashmasi

ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

15.10.2018 №7 (265) ISSN-2010-9393 ziyo-chashmasi@umail.uz 1993-yil 21-martdan chiqq boshlagan

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ

институт хорижий мамлакат ОТМ ва ИТИлари билан ҳамкорликни кучайтирмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиqlаш тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди. Фармон ижроси юзасидан институтимизда ҳам бир талай ишлар қилинмоқда.

Институт халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Фурқат Шариповнинг бу борадаги фикрлари билан қизиқдик.

— **Халқаро майдондаги рақобатбардошлилик, инновацион ривожлантириш, инсон капитали — Стратегиянинг бош мақсадларидан.**

— Президентимиз Ҳаракатлар стратегиясининг асосий вазифаларидан қилиб, Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтингини бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлақати қаторига киришига эришишни белгилаб бердилар. Бунда, барча даражада таълим сифати ва камровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодий эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самардорлигини ошириш, илмий тадқиқот, тажри-

ба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш лозим бўлади.

— **Замон талабидан келиб чиқиб, жамоамизнинг хорижий таълим илмий муассасалари билан алоқалари ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Педагог-ходимларнинг хорижий олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот институтларида малака ошириш, стажировка, докторантура ва магистратурага ўқишга боришларини ташкил этиш бўйича ишлар жонлантирилмоқда. Институтимиз хозирги кунда Москва давлат педагогика университети, Бошқирдистон давлат педа-

гогика университети, Бошқирдистон давлат университети, Россия Ядро тадқиқотлари илмий маркази, Норвич (Буюк Британия), Тараз давлат педагогика институти (Қозоғистон), Санкт-Петербург Ботаника илмий-тадқиқот институти билан халқаро илмий шартномалари бор. Бир қатор ходимларимиз хорижда малака ошириб келдилар. Масалан, Бошқирдистон давлат университети билан тузилган шартнома асосида бу йил мактабгача таълим факультети диспетчери Шерзод Пардабоев ва бошланғич таълим факультети ўқитувчиси Озод Болтаевлар мазкур илм даргоҳида илмий-тадқиқот ишларини ўтказиб келишди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъдод" жамғармаси танловида қатнашган 3 нафар педагог-ходим А.Мухаммедов, З.Расулова ва Ш.Жабборовлар Буюк Британиянинг Норвич институтида малака ошириб қайтишди. Нурбек Исаев - Бошқирдистон давлат университетида математика йўналишининг 2

босқич магистранти, Нурмухаммад Абдуллаев - А.М.Бутолеова номидаги кимё институти (Қозон)нинг кимё йўналиши 1 босқич магистранти бўлди. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети билан АҚШнинг Вебстер университети ўртасида 2018 йил 1 сентябрдан "Инглиз тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш" академик дастурини амалга ошириш (1 йиллик магистратура) бўйича шартнома имзоланган шу асосида, институтнинг 2 нафар иқтидорли битирувчиси Нигора Низомова ва Камола Нурмуродовалар Вебстер университетининг магистранти бўлишди.

Хорижда докторантурага ўқишга юборилганлар ҳам бор. Инглиз тили ва адабиёти ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси Шуҳрат Эшонқуллов Жанубий Корея Республикаси Чоннам университети Лингвистика ихтисослигининг 2 босқич, факультетлараро чет тиллари кафедраси ўқитувчиси Шерназар Муродуллаев Жанубий Корея Республикаси Инже

университетининг 1 босқич таънч докторантларидирлар.

— **Грант маблағи ҳисобидан хорижга ўқишга ва малака оширишга юборилганлар ҳам борми?**

— Албатта, бошланғич таълим факультети иқтидорли талабаси Лазиза Рахматтаева Жанубий Корея Республикаси Жонбу университетининг танловида ғолиб бўлди ва хозирги кунда Жонбу университетидида 6 ойлик тил курсида тахсил олмоқда. Инглиз тили ва адабиёти ўқитиш методикаси ўқитувчиси сифатида мен ўзим Fulbright тил ўқитиш дастури бўйича АҚШ Пенсилвания университетидида ўзбек тилидан дарс ўтдим. Инглиз тили ва адабиёти ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси Мадина Жўраева Fulbright тил ўқитиш дастури бўйича АҚШ University of Georgia 2018-2019 ўқув йилида ўзбек тилидан дарс ўтган.

— **Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!**

Суҳбатдош: А.Шарипов

ТАБРИКЛАЙМИЗ!!!

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 25 сентябрдаги 808-сонли буйруғига асосан номдор стипендия соҳибига айланган институтимизнинг иқтидорли талабалари!



ШАРАФИДДИНОВ
АБДУЛЛА
ШАРОФИДДИН ҲҒЛИ

Навоий номидаги
давлат
стипендияси
соҳиб

Мактабгача ва педагогика
факультети
талабаси



САНГИРОВ
ЖУМАНИЁЗ
АЛИЖОН ҲҒЛИ

Навоий номидаги
давлат
стипендияси
соҳиб

Тарих
факультети
талабаси



МАЖИДОВА
ВАЗИРА
МАХМУД ҚИЗИ

Навоий номидаги
давлат
стипендияси
соҳибаси

Мактабгача ва педагогика
факультети
талабаси



БАЗАРБОЕВА
ЧАРОС
АБДУҲАЛИМ ҚИЗИ

Ислоҳ Каримов
номидаги давлат
стипендияси
соҳибаси

Физика-математика
факультети
талабаси

ЯНГИЛИКЛАР

ХАБАРЛАР

Институтда сиртки бўлим ўз

фаолиятини бошлади.

Биология ўқитиш методикаси, информатика ўқитиш методикаси, бошланғич таълим ва СТИ, мактабгача таълим, ўзбек тили ва адабиёти йўналишларига режа бўйича 50 тадан, тарих ўқитиш методикаси, мусиқа таълими, жисмоний маданият йўналишларининг ҳар бирига эса 25 тадан, жами 325 та қабул квотаси ажратилди.

Институт мажлислар залида Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Саидахорр Фуломов иштирокида "2017-2021 йилларда Ҳаракатлар стратегиясини сифатли амалга оширишда инновацион ривожланиш ва статистик таҳлилнинг роли. Инновацион гоғлар" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи институт бошланғич ташкилоти етакчилигига сайлов бўлиб ўтди. Сайловда жами 2593 нафар талаба иштирок этди.

Умумий натижаларга кўра 1283 та овоз билан Бекзод Назаров институт ЁИ бошланғич ташкилоти етакчиси этиб сайланди.


Устоз — улкан салоҳият эгаси. Унинг қилган меҳнатлари эвазига қўлида тарбия топувчи ёш авлод билимли ва саводхон бўлиб вояга етади. Шогирдлари қайсидир касб эгаллашда устозининг ўғитлари, кўрсатган йўл-йўриқлари асосида катта йўл остонасига қадам қўяди. Устоз ўзидан кейин ҳар бир инсоннинг ҳаётида сезилмас, аммо жуда муҳим из қолдиради.

УСТОЗ ЁНИБ ТУРГАН ШАМДИР

Ривоят қилишларича, имом Бухорий ҳазратлари Маккаи Мукаррамада таълим бераётган чоғда бир зиёратчи Бухорои Шарифдаги устозларидан салом ва мактуб келтиради. Бу хабарни эшитган имом Бухорий Бухорои Шариф томонга юзланиб, саломига алик олганларича хурмат бажо келтирадидлар. Сўнгра, мактубни икки қўллаб олиб, табаррук қилиб эҳтиром билан хатни ўқиган эканлар.

Ҳа, устоз мисли ёниб турган шамга қиёс. Ўзи ёниб атрофга нур — зиё сочади. Бошқалар ана шу нурдан баҳраманд бўлишади. Шу сабаб, ҳар бир инсон ёшидан, мавқеидан, даражасидан қатъий назар сабоқ берган устоз-мураббий олийда мудом таъзимда. Ҳазрат Навоий айтганларидек, "Ҳақ йўлида бизга минг ранжу-қийинчилик билан сабоқ берган муаллимларнинг машаққатли меҳнатлари ҳақини ҳеч бир бойлик ёки ганжина билан ўлчаб бўлмади. Уларнинг меҳнатлари беқиёс ва беназир". Қўрииб турибдики, дунёни ўз илму-маърифати билан лол қилган инсонлар ҳам доим устозларини қадрлаган, иззат-хурматини жойига қўйган.

Жамиятнинг бугуни ва келажаги, унинг маданий-маърифий ва маънавий салоҳияти таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Таълим-тарбия тизимидаги ислохотларнинг муваффақияти кўп



жиҳатдан ўқитувчи ва мураббийларга боғлиқ. Шу сабабли мамлакатимизда ўқитувчилар меҳнатини қадрлашга, уларга ҳар жиҳатдан гамхўрлик кўрсатишга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, мамлакатимизда таълим тизимини жаҳон андозалари асосида ислоҳ қилиш, янги илм масканлари қуриш, уларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш ишлари изчил даром эттирилмоқда. Юртимизда ўқитувчи ва мураббийларнинг обрў-эътиборини янада ошириш, ёшларимизнинг биздан кўра билимли, кучли ва албатта, бахтли бўлишлари учун барча шароитлар яратилмоқда.

**Лазиза ҚОДИРОВА,
ўзбек тили ва адабиёти
факультети талабаси.**

Мамлакатимизни ижтимоий, иқтисодий тараққиёт йўлидан собит-қадам ривожланишида, амалга оширилаётган

олийгоҳимизнинг тарих факультетида узоқ йиллардан буён фидокорона, сермаҳсул фаолият юритиб келаётган устоз-

латчилиги тарихи, тарихий жараёнлар, ижтимоий ҳаёти, тараққиёти, дунёда содир бўлаётган барча жадал ўзгаришлар, дунё халқларининг миллий-маънавий ва умуминсоний қадриятлари тўғрисида муҳим билим ва кўникмаларга эга бўлиб бормоқдамиз.

Ўзим мисолимда айтадиган бўлсам, устоз Фания опа Авзаловна мени ҳамisha ҳаракатда, меҳнатда бўлишга ўргатдилар. Ўрганган шугина сабоғим ҳам бутун умримни тартибга солишга ундайди. Устоз бир ўғитларини бизга қайта-қайта ўқитиладилар: "Қачонки бажараётган амалимизга қалб кўримизни бера олсаккина, юксалиш бўлади".

Муҳтасар қилиб айтганда, устоз, биз ёшларга, илм-фан асослари ва замонавий касб-хунарларни ўргатишдан асло чарчаманг! Республикаимизда ёш авлоднинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларга қўшаётган салмокчи ҳиссангиз янада ошаверсинг!

**Жавохир
МАШРАБОВ,
тарих факультети
талабаси.**

УЧИТЕЛЬ!

**Перед именем твоим позволь смиренно преклонить колени!
Н.А. Некрасов**

Учитель. Как много вложено в это слово. Для каждого из нас оно означает: добрый, ласковый человек, который отдает всю свою душу все свои знания детям. Судьба каждого человека так или иначе связана с учителем. Мы всегда с теплотой вспоминаем наших учителей. Это они научили нас писать, читать. Это они ввели нас в мир прекрасного, в мир реальной жизни.

Читать, писать, считать, думать, работать о старших и младших, делать открытия — всему этому нас научили наши верные добрые учителя. Я всегда с теплым чувством вспоминаю свою первую учительницу Бобоярова Нурхан Ходжаевна. Это удивительной души человек, особенный. Она никогда не повышала голос, не срывалась. Даже слова, которые она диктовала

нам, казались, какими-то значительными, хотя слова-то были обычными.

Наши родители спокойно отправляли нас в школу, потому что знали: если у ребенка возникнут трудности — они будут быстро разрешены, если мы себя чувствуем неважно себя Бабаярова Нурхан Ходжаевна сразу же заметит и поможет. Каждого из нас она знала хорошо, к каждому находила ключик. Мы полностью ей доверяли: рассказывали о своих мечтах, радостях и обидах, переживаниях и тревогах.

Мы очень признательны Нурхан Ходжаевну за ее труд, внимание и заботу. Благодаря ей мы научились учиться, дружить, а это значит, что мы сможем справиться с возможными трудностями. Если учитель соединяет в себе любовь к делу и к ученикам, он совершенный учитель, перед которым мы смиренно преклоняем колени. Это в полной мере относится и к Нурхан Ходжаевну.

**Чаросхон ЭШПҮЛОВА,
чет тиллар факультети
талабаси.**

Ниқобга нигоҳ!

Ўзгариб бораётган даврдаги энг мураккаб, энг долзарб муаммо бу — гоъвий ва мафкуравий таҳдидлардир. Диннинг инсон ҳаётида қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини барчамиз биламиз. Буни жуда яхши англаган ақсарият гаразли кучлар ўзларининг қабих мақсадларини амалга оширишда динни



ниқоб қилиб олмоқдалар. Бу албатта, ташвишли ҳолат. Айтиш мумкинки, бугунги ҳажон сийёсий жараёнларидаги асосий таъсир мафкуравий хуружлар орқали амалга оширилмоқда.

Хуружлар турли-туман бўлиб, улардан бири — миссионерликдир. Миссионерлик — бир гуруҳ одамларнинг бошқа дин-

даги одамни ўзига қўшиб олишга интилишидир.

Миссионерлар қийинчилик кўрган инсонларни топиб, уларга моддий ёрдам бера бошлайди. Яна бир усули эса "маданиятга мослашув" усулидир. Бунда улар таъсирга тушган киши ислом дини билан алоқасини узмайди. Гапларида

Қуръон, ҳадислардан мисоллар келтириб гапиришади.

Хуллас, бугун глобаллашув жараёнларида барчани хушёрликка, ҳар қандай ёт гоъ ва таҳдидларга бефарқ бўлмасликка чорлаган бўлардик.

**Давлат УСАНОВ,
ўзбек тили ва адабиёти факультети
талабаси.**

Сира чарчаманг, Фания опа!



ларимиздан бири профессор Фания Авзаловнани шу ўринда, алоҳида эътироф этиш жоиз.

Педагогикада шундай ҳикмат мавжуд: "Уртача ўқитувчи мавзунини гапириб беради, яхши ўқитувчи тушунтиради, зўр ўқитувчи мавзунини тушунтириш билан бирга, уни кўрсатиб ҳам беради, буюқ ўқитувчи эса ўқувчи (талаба)ларни мавзуга қизиқтиради".

Мана, неча йилдирики, устоз Фания опа Ахмедшина таълим даргоҳимизда дарс бериш асосида иқтидорли талабаларни тарих фани, жумладан, Қадимги дунё тарихи фани йўналишида мустақил изланишлар олиб боришларини ташкил этиб келмоқдалар. Бунинг натижасида биз талабалар халқимиз дав-

кенг қўламли ислохотларнинг гоъвий асосларини шакллантиришда, ёшларни комил, ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялашда тарих фанининг ўрни беқиёсдир. Зеро, илм-фан билан шуғулланиш, янги кашфиёт ва ихтиролар қилиш игна билан қудуқ қазишдек гап. Шундай экан, бу машаққатли соҳада фидокорона меҳнат қилаётган факультетимиз олимларининг меҳнати таҳсинга сазовор.

Биз таълим олаётган

Талаба йўли — илм йўли

Китоб инсонга завқ бериши билан ҳаётга бўлган муносабатини ҳам ўзгартиради. Талабаликда кўп ўқиш билимларни бойлатади. Талаба сўзининг маъноси ҳам "илм талаб қилувчи", деганидир.

Оллоҳ Одам Атони яратгандан сўнг унга бу дунёдаги барча нарсанинг номини ўргатди. Эслаб қолиш қобилиятини инъом қилди. Инсонлар шу қобилияти туфайли фаришталардан юқори мартабаларга қўйилди. Демак, илм олиш Одам Атодан қолган буюк мерос экан.

Тарих манзараларини ўқиш жараёнида шунга гувоҳ бўламизки, қонли урушлар, фитна, фасод еврилишлар ҳаммаси жоҳилият сабабидандир. Базми шохлар маърифат эгаси бўлишига қарамай залолатга ботадилар. Шарқда уйғониб даврида ижод қилган алломаларимиз: Имом Ал-Бухорий, Термизий, Замахшарий, Ибн Сино, Беруний қабл даҳолар илм ўрганиш ва илм ҳосил қилиш билан танилмадимиз?

Шу ўринда Одил Ёкубовнинг асаридан иқтибос келтирсак: "Буюк бир доғишманд бани башарнинг нопок ис-

таклари ва тубан эҳтиросларини бир уйга қамаб қўйилган уч махлуқ — одам, кўнғиз ва арслонга ўхшатган экан. Бани одам деганда ақл-идрокни назарда туттиди. Тўнғиз деганда эса у инсонни чиркин хоҳишларини, арслон деганда қаҳр-у, ғазабларини назарда туттиди. Бу уч махлуқнинг қайси бири зўр чиқса, қамалган уйда ўша устунлик қилар эмиш".

Юз йиллар, балки минг йиллар ўтар, аммо барибир охир провардида ҳамма нарсдан ақл-идрок устун чиққусидир. Дунёни сақлаб қолувчи ва унда голиб бўлгувчи, ақл-идрокни ишга солувчи илм йўли доимо инсондан меҳнат ва машаққатни талаб қилади. Ҳар бир талабага ахли илмлардан бўлиш насиб этсин. Илм олишда бардавом бўлайлик.

**Гулмира ХОЛМУРОВА,
ўзбек тили ва адабиёти факультети талабаси.**

Китоб ўқишдан тўхтайдиган инсон фикрлашдан ҳам тўхтайдди.

Дени Дидро .

РЕКТОР ЭЪТИБОРИДАГИ МАВЗУ!

Тасвирий санъат ва меҳнат таълими факультетидан гапирамыз:
эски устахона, ишламайдиган газ плиталари, обунадаги нуқсон...

Талабаларимизни қийнаётган муаммолар, соҳада эришилган ютуқлар ва йўл қўйилаётган камчиликлар юзасидан таҳририятимиз туркум мақола-лар чоп этишни режалаштирган.

Шу муносабат билан тасвирий санъат ва меҳнат таълими факультетидан бўлди.

Ётоқхонадан талабалар розими?

Баъзан талабалардан турар жойлари тўғрисида шикоятлар эшитиб қоламиз. Қайсидир талаба квартирасида "хотин-қизларнинг" билан келиша олмаганидан, яна кимдир турар жойининг коммунал соҳаси, нархи, шарт-шароитидан нолиб қолади. Шу сабабдан кўпчилик талабаларимиз ётоқхоналарда истиқомат қилишни афзал билади. Арзон ва қўлай шароит кимга ёқмайди дейсиз.

Тасвирий санъат ва меҳнат таълими факультетидан жойлашган ихчамгина тураргоҳ билан танишдик.

— Ётоқхонамиз 80 кишига мўлжалланган — дейди, ЁИ факультет башлангич ташкилоти етакчиси Бегзод Яхёев, — Ўзим ҳам шу ерда истиқомат қиламан. Юқори қаватида қизлар, пастда ўғил болалар яшайди. Тўғриси айтганда, шароитларимиз унчалик ҳам яхшимас. Масалан, хона жиҳозларимиз эски. Кир ювадиган машинамиз йўқ. Униси ҳам майли, ювилган кирларимизни куриштиш ҳам баъзан қийналиб қоламиз.

Бундан ташқари, овқат қилишда ҳам бир қанча муаммоларимиз мавжуд. Сабаби газ плиталарининг айримлари ишламайди. Таъмирлаш эса ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам кел-

майди. Газ плиталарининг носозлигидан навбатлар юзага келади. Натижада, кечаси соат 22:00 да овқат қилишимизга тўғри келмоқда.

Кўпчилик талабаларни ўйлантиргани шароитимиз шундай бўлгани билан институтнинг асосий ётоқхонаси билан йиллик тўлов нархларимиз бир хил — 604 минг сўм. Бизнингча, бунга адолат нуқтайи назаридан эътибор қаратилса



бўларди.

Ётоқхонани кўздан кечиришимизда газ плиталарининг носозлигига амин бўлди. Ювилган кирларни куриштиш учун шароитнинг йўқлиги бироз ранжитди. Ачинарлиси, талабаларимиз ювилган кийимларини санитария-гигиена қоидаларига зид равишда хожатхонанинг деворларига илиб куриштиш экан.

80 йилларги станоклар

Меҳнат таълими йўналиши устахоналарини кўздан кечирдик.

— Ҳаммаси деярли ишдан чиққан. Уларни таъмирлаб тиклаб бўлмайди. Ҳар йили заяв-


Вазият қачон ўзгаради?

ка берамиз. Домларимиз вақтларини аяшмасдан бориб магазинларда нархларини белгиллаб келишди. Амалга келганда иш пишмайди. Металлга қўлда ишлов берадиган хонамиз бор. Унга ҳам асбоб-ускуна керак. Болға, қайчи, темир, арра, зубила в.х. Парчинлаш асбоблари бирортаси берилмаган. Шу сабабдан, болаларга пулимизга олган асбобларни кўрсатамиз. Ун мартабда билдиришомалар қилганмиз. Ҳар йили қиламиз ҳам. Ана сизга муаммо, — дейди, Шокир Низомов — меҳнат таълими ўқитувчиси. Дурадгорлик ҳам металлга қўлда ишлов беришда ҳам шу аҳвол. Талабаларимиз амалий буюм тайёрлаши керак. Эртага ўқитувчи бўлади. Мактабга борганда ўқувчиларига бундай шароитдан келиб чиқиб нимани ўргатиши мумкин? Шунинг учун технологик таълимни амалиётда қўллаб, ўзлари ўрганиши керак.

— Металларга механик ишлов бериш фанидан уч йилдан буюн дарс бераман, — дейди фан ўқитувчиси Ориф Қаримов, баъзи станокларимизни ўзимиз уста олиб келиб тўзатираёмиз. Кўриб турганингиз 1 К 6,2 винт қирқиш станогини. Мана буниси TV - 4 станогини. Булар умуман яроқчиз. Бу кабиндан 6 донна мавжуд. Устахонамиз, авваллари нафақат вилоятимиз, балки Республикамаизда энг яхши устахоналардан эди. Ҳозир техник жиҳатдан яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Бу — металлга қўлда иш-

лов бериш хонамиз. Курилма-лар ўтган йили берилган. Аммо тескаси йўқ. Теска бўлмаса иш ўрни ҳисобланмайди. Дастгоҳ ва унга ўрнатилган теска, албатта бўлиши шарт. Ростини



айтсак, асбоб-ускуналар умуман берилмайди. Ҳар йили ўзимиз битта-иккитадан олиб келамиз. Ўқув жараёнларида фойдаланиш учун хом-ашё берилиши керак. Илгарилари металл бериларди. Энг содда металл буюмларни талабалар билан ясардик.

Обуна пуллари қерда?

Маънавий-маърифий ишлар бўйича декан ўринбосари қабулида бўлди. Хонада газетамиз тахлamlари. Ўз ўқувчиси кутиб ётибди. Яъни, тарқатилмаган. Суҳбатимиздан маълум бўлдики, газеталар мулоқот соатларида тарқатилар эмиш. Мулоқот соатлари пайшанбада ўтилади. Уйлана-сан киши. Талабалар газета ўқиш учун пайшанбани кутиши қай даражада тўғри?

Декан ўринбосаридан гуруҳ сардорлари билан суҳбат

ташқиллаштиришини сўрадик. Сардорлар йиғилди. Дастлаб газетамиз тўғрисида фикрлашдик. Талабалардан 2018 йил обуна қандай кечганлиги, қайси гуруҳ бўлгани-ю, қайси гуруҳ оқсагани хусусида бир-ма-бир сўрадик. Маънавий-маърифий туртки бўлгани, сардорлар "обуна бўлганмиз, 100 фоиз бўлганмиз", дея жавоб беришди.

Ўтган йили газетамизга тасвирий санъат ва меҳнат таълими факультетидан 57 киши, жами талабаларнинг 15 фоизигина обуна бўлишган. Бундан кўринадики, гуруҳ сардорлари бизни алдамоқчи бўляпти. Агарда улар айтганларидек ҳамма обуна бўлганда биздаги кўрсаткич 15 фоиз эмас, балки 100 фоиз бўларди.

Шу ерда бир тўхтаб қилсак. "Узун-қулоқ ишлар гуҳлардан" эшитиб қоламиз. Ҳар йили обуна институт бўйлаб яхши тақдирлаштирилди. Аммо, йиғилган пулларнинг аксарияти кассага келиб тўшмайди. Яъни, ким(лар)дир обуна пуллари йиғида-ю, ҳаменига уради.

Демак, хулоса қилиш мумкинки, тасвирий санъат ва меҳнат таълими факультетидан ё обуна чиндан ҳам яхши тақдирлаштирилмаган ёки тақдирлаштирилган-ю, пуллар кассага эмас, кимларнингдир чўнтагига тушган.

Хуллас, хулоса сиздан. Биз мавзуга яна қайтамыз. Факультетларо саёхатимиз давом этади...

Абдуғаффор АБДУРАҲМОНОВ
«Зиё чашмаси»
махсус муҳбири

Институт Хотин-қизлар кўмитаси бошлангич ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони ижроси доирасида бошлангич ташкилоти томонидан амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар ҳам муҳокама қилинди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида хотин-қизлар кўмитаси бошлангич ташкилоти фаолиятидаги айрим камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш бора-сидаги фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, Хотин-қизлар кўмитаси бошлангич ташкилотининг янги таркиби, хотин-қизларнинг шаҳар ташкилоти конференциясига делегатлар сайланди.

Институт хотин-қизлар кўмитаси бошлангич ташкилоти раислигига Зиёда Абдувалиева қайтадан сайланди.

Янги вазифалар масъулият юклайди**Институт хотин-қизлар бошлангич ташкилоти ҳаётидан****Факт ва рақамлар:**

— Зулфия номдаги Давлат мукофотининг 2018-йил номзодини саралаш муносабати билан ўтказилган танловнинг институт, шаҳар ҳамда вилоят босқичларида институтнинг қўллаб-қўлланган ва аълочи талабалари иштирок этишди;

— Институт хотин-қизлар кўмитаси ҳамда иқтидорли ўқитувчилар ва талаба қизлар "Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси" 1-Республика танловида иштирок этдилар. Танловнинг вилоят босқичида 20 дан ортиқ иқтидорли аёллар ишлари тақдим этилди, улардан 8 нафари танловнинг Республика босқичида қатнашиб фахрли ўринни эгаллашди;

— Ўзбекистон хотин-қизларининг кийиниш маданиятини ривожлантириш юзасидан "Нафосат - 2017" кўрик

танловининг Жиззах вилояти босқичида 4-курс талабаси Ф.Аблакулова олий ўринни эгаллаб, Республика босқичига йўлланма олди. Республика босқичида фахрли II ўринни эгаллади;

— Термиз шаҳрида бўлиб ўтган "Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари" мавзусидаги XII халқаро конференцияда институт хотин-қизлар кўмитаси бошлангич ташкилоти иштирок этди;

— Жиззах вилоятида аёллар велоспортининг ўтказилди. Ушбу мусобақада институтнинг 15 нафар профессор-ўқитувчи ва ходимлари, шунингдек, 30 га яқин талаба-қизлари иштирок этди. Улардан 4 нафар иқтидорли талаба-қизлар фахрли ўринларни эгаллаб, вилоят хокимининг фахрий ёрлиқ ва сўғалари билан тақдирланди;

— Институт жамоаси орасида, оилали талабалар, аёл профессор-ўқитув-

чилар, ходимлар, кўп сонли талабаларни спортга жалб этиш, жисмоний маданият ва спортни оммалаштириш мақсадида ҳафтанинг чоршанба, жума кунлари соғломлаштириш машғулотлари олиб борилади.

— Институтда фаолият юритаётган фахрий профессор-ўқитувчи ва фидойи ходимларнинг йил давомида мунтазам равишда Юнус Ражабий номидаги мусиқали драма театрида қўйилган кино ва театр томошаларида иштироки таъминланди. Шароф Рашидов, ҳамид Олимжон ва Зулфия боғлари, музейларида экскурсиялар уюштирилди. Шунингдек, институт кассаба уюшмаси кўмитаси билан ҳамкорликда Республикамаизнинг Самарқанд, Бухоро, Термиз, Хоразм шаҳарларининг диққатга сазовор зиёратгоҳ жойларига саёхатларга борилди.

Лобар АБДУКАРИМОВА.



“Уч”га ёлганлар

(ҳазил шеър)

Самимий эмасдир сўзлари,
Нафратга тўладир кўзлари,
Қайғули, аламли юзлари,
“Сессия”ни учга ёлганлар.

Айтгани жуяли сўзи йўқ,
- Адолат нима у? Узи йўқ!
Кўрарга ҳеч кимни кўзи йўқ,
“Сессия”ни учга ёлганлар.

Устозлар “кўнглини” топганлар,
Баҳо, деб тун-у, кун чопганлар,
Бир-бирин кучукдек қопганлар,
“Сессия”ни учга ёлганлар.

Билмадим, бу кимнинг ўйини,
Бир қаранг шўрликнинг кўйини,
Баҳо, деб сотганлар кўйини,
“Сессия”ни учга ёлганлар.

Билш-ку, инсоннинг нақшийдди,
“Учликлар” на шоир бахшийдди,
Дейишар, — «тўрт баҳо яхшийдди»,
“Сессия”ни учга ёлганлар.

Парволар қилманг сиз сўзга,
Таскинлар беринг-да ўзига,
Дунёлар қоронғу кўзига,
“Сессия”ни учга ёлганлар.

Аламларга беролмайсиз дов,
Йўлингизга дўст бўлганда гов,
“Сессия” ҳам асли бир синов,
“Сессия”ни учга ёлганлар.

Наврўз ЗИЁ.

Соғиндим

Ўтмоқдадир менинг азобли куним,
Сизсиз татимайди кеча-кундузим.
Яширолмай ҳеч кимдан бу дарали ёшим,
Нима қилай, айтинг, соғиндим жоним?

Ҳар тонгада уйғониб, сизни уйладим,
Олоҳдан минг сўраб дуода бўладим.
Азоб берди бу туйғу уртандим, кўйдим,
Нима қилай, айтинг, соғиндим жоним?

Ҳаётнинг аччиқ болини топдим,
Унаан кеч дедилар, сиздан кечмадим.
Хатоим шу эди: севилмай севдим,
Нима қилай, айтинг, соғиндим жоним?

Сохта кулгулардан чарчадим, тўйдим,
Севгимни борича жонда сақладим,
Барча хатоларни англадим, билдим,
Нима қилай, айтинг, соғиндим жоним?

Дурдона ТУРОПОВА,
чет тиллар факультети талабаси.

Бу кун сархуш...

Бу кун сархуш кўнгли қулшман,
Зарра ҳадиқ учкунни йўқдир.
Ўз боғимнинг диғир гулшман,
Ўртанмаган бир оним йўқдир.

Шиддат ила отилиб чиқдим,
Сукунатнинг олов қаридан,
Ҳақиқатнинг қўшиғин битдим,
Яраланган юрак қаридан.

Аён эмас гарчи қисматим,
Дўст деб билдим ёлғон дунёни,
Бўғзим ёрса ҳамки ҳасратим,
Лойқалатмам тиниқ дарёни,

Лек ожизман осмон остида,
Яшаб ўткун гуноҳкор, беаёб,
Саргардонман жанглар учда,
Курашларсиз мулааб қолур қалб.

Лайло ТУЛАГАНОВА,
ўзбек тили ва адабиёти факультети талабаси.

Дил дафтаридагидан сатрлар



Парда очилди. Саҳнага хандон отиб актёр кириб келди. Унинг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир каломи томошабинлар юзига кулгуни ёйди.

Комедия ҳаммага манзур бўлди. Актёр ишини қойиллатди. Унинг ичкачудди хангомаларидан томошабинлар ўйлашди: «дунёда унданда кувнок, унданда бахтиёр, унданда бе-

Матонат

ташвиш инсон йўқ! Ахир, инсон мана шундай бахтли бўлиши мумкин экан-ку!»

Актёрни алқадилар. У ҳам томошабинларга табассум ҳада этди.

Парда ёпилди. Олқишлар тинмас, зални гуррос овоз ларзага келтирарди: Баракалла! Молодец!! Браво!!!

Актёр олган гулларини

шошиб четга кўйди-да, гримхонага ўтди. Ортидан шериги кирди:

— Аҳволинг қалай?
Актёрнинг кўзи намланди. Бошини қўллари орасига яширди:

— Онам... онам..., дея хўнграб ййглаб юборди.

Актёрнинг онасини оғир аҳволда шифохона ётқишиш-ганди. Уни ҳозир операция қилиш-шайтганди.

Бир зум сукунат чўкди. Актёр қаддини тутди-да, шеригига боқди.

— Ҳозир навбатдаги на-мойиш бошланади. Тайёрлан.

Театр зали яна томошабинлар билан тўлди.

Парда очилди... Саҳнага хандон отиб кулганча актёр чиқиб келди!

Башорат РАСУЛОВА,
муסיқий таълим йўналиши талабаси.

Ватан

Дилга сафосан, Ватан,
Ишққа вафосан, Ватан,
Тоза ҳавосан, Ватан,
Ватан, Ватан, жон Ватан.

Тоғ-у дарёсан, Ватан,
Нур-у, зиёсан, Ватан,
Олам-дунёсан, Ватан,
Ватан, Ватан, жон Ватан.

Мардга ошносан, Ватан,
Бошга биносан, Ватан,
Дардга Синосан, Ватан,
Ватан, Ватан, жон Ватан.

Сулҳ-у сафосан, Ватан,
Соз-у навосан, Ватан,
Асл маъвосан, Ватан,
Ватан, Ватан, жон Ватан.

Бог-у бустонсан, Ватан,
Шеър-у дostonсан, Ватан,
Ер-у осмонсан, Ватан,
Ватан, Ватан, жон Ватан.

Муҳаммад АКАЖОНОВ.

Вуго

Алвидо ёр! Агар шу бало,
Қисматда бор бўлса - алвидо!
Сен бераҳм бўлсанг ҳам аммо,
Мен душманлик қилмасман — вило!

Юрт кулса ҳам энди майлага,
Зарба гали сендадир бу бор;
Мен мубатало бўлган балола,
Сени мақтов қилар шармисор.

Борлигимни титратдинг, ишон.
Қиборликни севмас бу мағрур,
Рухим сени дерди ва бу жон,
Энди ундан албат ажралур!

Жорж БАЙРОН.

01.10.2018 13:12 @
Assalomu alaykum in Soleikum ustoz! Sizzi ustoz va murabiyilar kuni bn 46 qalbmndan tabrikliman! 6quchiz Wodmonp.

Эх Шодмонов, Шодмонов...

Устозга эҳтиром

Қалбимда порлаган кўёш ўзингиз,
Матонат, ирода, бардош ўзингиз,
Ҳаётим ўйлада ўйлаош ўзингиз,
Дунёла ягона суюгим Устоз,

Меҳрибон ва доно буюгим Устоз.
Доимо мақтайсиз билсам-билмасам,
Ўғитлар аймасиз улсам-илмасам,
Йўлимга боқасиз келсам-келмасам,
Дунёла ягона суюгим Устоз,

Меҳрибон ва доно буюгим Устоз.
Доимо бўладингиз кўнглимга маҳам,
Энг оғир кунларда ёнимда ҳамма,
Сиздайин бўлолсам кошқийди мен ҳам,
Дунёла ягона суюгим Устоз,

Меҳрибон ва доно буюгим Устоз.
Мен учун қадрли ҳар бир сўзингиз,
Замонлар утса ҳам, ўчмас изингиз,
Боқийлик бахтини тилар қизингиз,
Дунёла ягона суюгим Устоз,

Меҳрибон ва доно буюгим Устоз.
Шоҳиста РАШИДОВА,
чет тиллар факультети талабаси.

Қанотэ

(А.С.Пушкиннинг «Я вас любил» шеърини рус тилидан грек тилига эркин таржимаси)

Имонэ эроти в менос капотэ мазу су Ке на то по эликурунакомасгапо Алла ас ми сапасхолоиллеон авто. Афуденпрокетелья на с'epochло. Его се латреवासюпила, парфеника Готшевменосано то ликоосуалаос Его се аганусаваолакэмососторгика Этси, остэ на досси о Феос, на саганусекапэбэсалоос

Тагаева СОФИЯ,
чет тиллар факультети талабаси.

Наҳот севги..!

Мен севгандек сева олмайсиз!
Ишқ саҳросин обод айлабон,
Токайгача ўртаб қўйнайсиз,
Юрагимда кучли галаён.

Саволарим қолар жавобсиз,
Сўзлашга ҳеч ботинолмаман.
Бош кўтарган дардим аёвсиз,
Нечун сизни унуттолмасман.

Боқшингиз ҳаёлим олган,
Асир этган дилни у замон.
Қачон, қайдан алашиб келган,
Бу ҳис мени қўйнар беомон.

Муҳаббатим қилолмам изҳор,
Наҳот севги ўчмас бир ифтор!

Улуғой ХУДОЙБЕРДИЕВА,
бошланғич таълим факультети талабаси.

Она

Унутма ҳаётинг гар кетса гулааб,
Ишларинг ўнгулан келганда яшнаб,
Олоҳдан доимо минг бора сўраб,
Камолинг тиларкан биргуна она.

Совуқда қолганда кўларинг музааб,
Хасталик елкангга осулса кунлаб,
Саргайган юзларинг силаб-суйлалаб,
Куз ёшин тўқаркан биргуна она.

Малина АМАНОВА,
чет тиллар факультети талабаси.

Отам

Сабоқ бериб келаду ҳам илм-у ҳам хунардан,
Ўзи оддий бир механик — доништовоним отам.

Ота қишлоғим бориб, тоғ-тошлардан қизғониб,
Ёшлигингиз курурман Синтабистоним отам.

Мусаввир эди кўллар, лек айро тушди ўйлар
Ушаламаган орзулар, ҳам беармоним отам.

Ахир бизлар чизгаймиз, давом этади тасвир,
Бугун келган ўша кун - давр-у давроним отам.

Ситора АЛҲИЕВА,
ўзбек тили ва адабиёти факультети талабаси.

“Ziyo chashmasi”

сизнинг газетангиз

Азиз талабалар!

Севимли газетангиз “Зиё чашмаси”га

2019 йил учун обуна бошланганини маълум қиламиз.

Институтимиз ҳаётдан доимий равишда хабардор бўлай десангиз,

газетамизга обуна бўлинг.

Газетамизнинг бир йиллик обуна баҳоси 15 минг сўм.

Институтнинг банкдаги ҳисоб рақами: 400110860084017950100079002.

АТ “Ипотека банк” Жиззах филиали. ИНН 200343003

ТАХРИРИЯТ.



МУАССИС: Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институту	Бош муҳаррир: Абдукарим ШАРИПОВ	МАНЗИЛ: Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов шоҳ кўчаси 4-уй. Жиззах давлат педагогика институти бош биноси, 2-қават.	Газета «Жиззах-принт» босма хонасида офсет усулида чоп этилди. Адади: 2700. Буюртма №...	Тахририятга келган хатлар доимий диққат-этиборимизда бўлгани сабабли муаллифларга қайтарилмайди. Газетадан кўчириб босиш фақат тахририят ёзма рухсати билан амалга оширилади.
	Тахрир Хайъати: А. Холбеков Ф. Аҳмедов Ф. Жўрақулов Р. Ярмагов О. Муқимов	У. Худанов У. Жуманазаров А. Маматов Б. Очилова Ю. Каримова	Жиззах вилояти матбуот ва ахборот бошқармасида 2006 йил 26 декабрда 06-017 рақами билан рўйхатга олинган. Ойда бир марта чоп этилади Баҳоси эркин нарҳда	Босма хона манзили: Жиззах шаҳри, Сайил-жой кўчаси, 4-уй.
Масъул муҳаррир: Абдуваффор АБДУРАҲМОНОВ		Босишга топширилди: 13.10.2018 -16:00		